

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

10/S-son (4-jild)

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/10 (4) - 2024*

### **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулв Жамолддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳақимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

Норматов Бекзод Акром ўғли – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, Тошкент давлат юридик университети.

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги

Тошкент давлат педагогика университети,  
Амалий психологияси кафедраси мудир;

Атабаева Наргис Батировна – психология  
фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги  
Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна –  
психология фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари  
университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари  
доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт  
бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология  
фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
миллий университети кафедра мудир;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари  
доктори, профессор, Ўзбекистон миллий  
университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология  
фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар  
доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар  
доктори, доцент, Ўзбекистон миллий  
университети кафедра мудир.

---

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

**07.00.00 – TARIX FANLARI**

<i>Norbekov Ahmadjon Norbekovich</i> XX-ASRNING BIRINCHI YARMIDA O‘ZBEKISTONNING SIYOSIY -IJTIMOIY VA IQTISODIY HOLATI .....	11-18
<i>Eliboyev Ozodjon Po‘lat o‘g‘li</i> BAQTRIYANING KUSHONIYLAR DAVRI SHAHARSOZLIGI VA ME‘MORCHILIGI.....	19-23
<i>Нуритдинова Нодира Сирожовна</i> XX-АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ (СЕНАТОР К.К. ПАЛЕН ТАФТИШ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА).....	24-28
<i>Чориев Шоҳрух Холтура ўғли</i> ЎРТА ОСИЁ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА САРОЙ АРХИТЕКТУРАСИ ИЖТИМОИЙ СТРАТИФИКАЦИЯНИ ЎРГАНИШ МАНБАСИ СИФАТИДА .....	29-38
<i>Жумаева Шоира Бердияровна</i> МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ЎРНИ .....	39-43
<i>Jo‘rayev Muxriddin Xasanovich</i> MOVAROUNNAHRLIK MUHADDISLARNING ILMIY SAFARLARI VA SAFAR YO‘LLARI GEOGRAFIYASI.....	44-51
<i>Муқимова Рисолат Рустамжон қизи</i> ЗИЁРАТ МАРОСИМЛАРИДА ТАБИАТ КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАР .....	52-56

**08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

<i>Абдуллаев Алтинбек Янгибаевич</i> ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИ БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ ИЛМИЙ – МЕТОДОЛОГИК ЁНДОШУВИ .....	57-69
<i>Baxriddinova Yulduz Baxriddinovna</i> MINTAQALARDA FARMATSEVTIKA SANOATINI RIVOJLANTIRISHNING ZARURIYATI .....	70-75
<i>Matkarimov Inomjon Baxtiyorovich</i> QISHLOQ XO‘JALIK MAHSULOTLARINI YETISHTIRISHDA AGROBIOKIMYO XIZMATLARINI TAKOMILLASHTIRISHNING OBYEKTIV ZARURATI .....	76-86
<i>Ибадуллаев Дилшад Ибрагимович</i> ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИНИ ЭКОНОМЕТРИК БАҲОЛАШ АСОСЛАРИ .....	87-92
<i>Исламтдинова Дина Файзрахмановна</i> АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН .....	93-102
<i>Qobiljon Isaev</i> O‘ZBEKISTONNING JAHON SAVDO TASHKILOTIGA (JST) A‘ZO BO‘LISHINI IQTISODIY VAHOLASH .....	103-110

**09.00.00 – FALSAFA FANLARI**

<i>Xaitov Elmurod Bekmurodovich</i> O‘ZBEKISTONDA “AHOLI HAYOT SIFATI”GA ASOSIY YONDOSHUVLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLIL) .....	111-116
<i>Расулов Зоҳиддин Усарович</i> СПОРТ ЭСТЕТИКАСИ: РИТМ, ҲАРАКАТ ВА МАДАНИЯТНИНГ УЙҒУНЛИГИ .....	117-122
<i>Тавмурадов Жамшид Элмурадович</i> АБДУЛҚОДИР БЕДИЛНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ: ФАЛСАФА ВА АДАБИЙ МЕРОС .....	123-128
<i>Davronov Otabek Ulug‘bek o‘g‘li</i> YUSUF QORABOG‘IY SHAXSIYATI VA FALSAFIY-ILMIY MEROSI .....	129-132
<i>Muxtorova To‘tixon Solijonovna</i> FALSAFA FANINI O‘QITISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR: METODLAR VA AMALIYOTLAR .....	133-137
<i>Akramov G‘iyosiddin Najmiddinovich</i> MARGINALLASHUV TUSHUNCHASINING IJTIMOY-FALSAFIY TAHLILI .....	138-142
<i>Ahmedova Dilrabo</i> DINIY BAG‘RIKENGLIKNING YOSHLAR IJTIMOY, MA‘NAVIY QIYOFASI SHAKLLANISHIDAGI IJTIMOY POTENSIALI .....	143-150
<b>11.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI</b>	
<i>Abdunabiyev Sunnat Botirovich</i> IBN BATTUTANING «SAYOHATNOMA» ASARIDA TARIXIY SHAXSLAR NOMINING TARJIMADA BERILISHI .....	151-159
<i>Seytnazarova Injayim</i> ADABIYOTSHUNOSLIK SOHASIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH TAHLILI .....	160-168
<i>Tukhtakhodjaeva Zulfiya</i> PHRASEOLOGY AS A SUBSYSTEM OF THE ENGLISH VOCABULARY .....	169-174
<i>Abdusalomov Doniyor Togayali o‘gli</i> REFLECTION OF THE CONCEPT OF «POLITENESS» IN THE PHRASEOLOGICAL AND PAREMIOLOGICAL RESERVOIRS OF THE COMPARED LANGUAGES .....	175-179
<i>Axmedov Anvar Botirovich</i> TILNING NOMINATSIYA TIZIMIDA O‘ZLASHMA SO‘ZLAR .....	180-184
<i>Aminov Farrukh Komiljon Ugli</i> THE EVOLUTION OF MEDIA DISCOURSE: FROM TRADITIONAL FORMS TO MULTIMODAL REPRESENTATIONS IN DIGITAL SPACES .....	185-193
<i>Sharipov Bobur Salimovich</i> RETSIPROKLI SEMANTIK DERIVATSIYA .....	194-201
<i>Abduganiyeva Zebuniso Abduhafizovna</i> ILMIY DISKURSNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	202-205

<i>Samatov Farxod Muminovich</i> O‘ZBEK VA INGLIZ TILIDA “TV” SEMANTIK MAYDONI LEKSIK BIRIKLARINING SO‘Z YASALISH XUSUSIYATLARI (ABBREVIATURALAR MISOLIDA) .....	206-210
<i>Kendjayeva Zemfira</i> METAFORIK POLISEMIYANING LINGVISTIK YUMORI.....	211-216
<i>Abdullayeva Nilufar Ramazonovna, Uzoqova Durdona Baxtiyor qizi</i> INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARIDA «HID», « IS» KONSEPTINING SEMANTIK TAHLILI .....	217-221
<i>Saydullayeva Dilrabo Ilxom qizi</i> ALISHER NAVOIYNING “NASOYIM UL-MUHABBAT” TAZKIRASI VA SULAMIYNING “TABAQOT US-SUFIYA” ASARLARI O‘RTASIDAGI MUSHTARAKLIKLAR .....	222-226
<i>Шарапова Лола Станиславовна</i> ИЛЛЮЗИЯ И РЕАЛЬНОСТЬ В КОНТЕКСТЕ МАГИЧЕСКОГО РЕАЛИЗМА.....	227-232
<i>Ҳакимова Мастура Файзиллаевна</i> ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ДУНЁ ТАСВИРИНИ АКС ЭТИШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ЛЕКСИК МАЪНОНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (КЕНГАЙИШИ) .....	233-239
<i>Mo‘soyeva Hayitgul O‘roqovna</i> “HEART” – “YURAK” SO‘ZLI METAFORALARNING INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARIDAGI KOGNITIV TAHLILI .....	240-245
<i>Mamataliyeva Navbahor Hujamberdiyevna</i> INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARIDA TEZ AYTISHLARNING STRUKTURAVIY TAHLILI .....	246-250
<i>Багаутдинова Ильмира Салаватовна</i> ВЛИЯНИЕ РОДНОГО ЯЗЫКА НА ПРОИЗНОШЕНИЕ В ИЗУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ .....	251-255
<b>12.00.00 – YURIDIK FANLAR</b>	
<i>Nuraliyev Oyatillo Abduvaliyevich</i> EFFECTIVE PRACTICES FOR DRAWING YOUNG TALENT TO UZBEKISTAN’S PUBLIC CIVIL SERVICE .....	256-268
<i>Алиев Асилбек Кадиорович</i> ВОПРОСЫ ОТГРАНИЧЕНИЯ МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКОВ И ГРУППОВОГО ХУЛИГАНСТВА .....	269-275
<i>Hong Weixing</i> INTERNATIONAL LAW AS THE FOUNDATION FOR THE DEVELOPMENT OF TRADE AND ECONOMIC RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND CHINA .....	276-284
<i>Султанова Сабохат Алишеровна</i> ПЕРСПЕКТИВЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ ОЦЕНКИ РЕГУЛЯТОРНОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН .....	285-290
<i>Jonuzoqova Yulduz Izzatulla qizi</i> O‘ZBEKISTONNING AXBOROT TEXNOLOGIYALARI SOHASIDAGI TRANSMILLIY JINOYATLARGA QARSHI KURASH MASALALARI .....	291-298
<i>Абдусамиева Дилрабо Абдувахоб кизи</i> ПРЕВЕНТИВНАЯ ФУНКЦИЯ ПОСТПЕНИТЕНЦИАРНОЙ РЕСОЦИАЛИЗАЦИИ .....	299-304
<i>Khalikov Khayot</i> THE ROLE OF MODEL UNITED NATIONS IN SHAPING GLOBAL LEADERS AND LAWYERS: A CASE STUDY ON UZBEKISTAN’S YOUTH .....	305-311

Даулетова Динара Даулетовна

ПРИЧИНЫ И УСЛОВИЯ, СПОСОБСТВУЮЩИЕ ХИЩЕНИЮ ЧУЖОГО ИМУЩЕСТВА .. 312-317

### 13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

Толипов Бахтиёр Хамитович

БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ВОСИТАЛАРИ ..... 318-324

Собирова Гулибарно Зайнитдин қизи

ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ НА УРОКАХ  
РУССКОГО ЯЗЫКА ..... 325-335

Xolmatova Ziroatxon Anvarovna

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING TASHXISLASH KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA  
INNOVATSION-METODOLOGIK YONDASHUVLAR ..... 336-339

Abduxoliqov Sardor Safarovich

YOSH DZYUDOCHILARNI JISMONIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHDA HARAKATLI  
O'YINLARNING O'RNI ..... 340-344

Usmonova Mohizoda Avazjon qizi

GLOBOL TA'LIM MUHITIDA TALABALARNING MULOQOT MADANIYATINI INTEGRATIV  
YONDASHUV ASOSIDA RIVOJLANTIRISH TIZIMI ..... 345-348

Xodjiyeva Zumrad

MEZONLARGA ASOSLANGAN BAHOLANISHNING CHEKLANGAN DOIRASI ..... 349-352

Turdiyev Ismoil Allayorovich

OLIV TA'LIM HAYOTIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI  
HAQIDA ..... 353-358

Ibadullaev G'ayrat Akmuradovich

BO'LAJAK FIZIKA-ASTRONOMIYA O'QITUVCHILARINING KOMPETENTLIGINI  
RIVOJLANTIRISH METODLARI ..... 359-364

Ishonkulov Sherali Sharifovich

TALABALARNING IJODIY QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA RAQAMLI  
DASTURLARDAN FOYDALANISH ..... 365-372

Raxmatov Rafik G'ayratovich

IMKONIYATI CHEKLANGAN O'QUVCHILAR RIVOJLANISHIDA TURMUSH TARZINI  
SOG'LOMLASHTIRISH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK  
IMKONIYATLARI ..... 373-378

Xalmuratova Shaxnoza Bekmurzaevna

BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARINING RISKOLOGIK MADANIYATINI  
SHAKLLANTIRISH TAMOYILLARI ..... 379-383

Meliboyeva Nodira Qaxramanjanovna

MIRSODIQ TOJIYEV MEROSI (CHANG UCHUN YARATGAN ASARLARI MISOLIDA) ..... 384-387

Qodirov Mirjalol Tolmasovich

TA'LIMDA GIPERMATNLI AXBOROT MODELLARINI QURISHNING ZAMONAVIY  
TEKNOLOGIYALARI VA ASPEKTLARI ..... 388-392

Karimova Aziza

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI SCAMPER TEXNIKASI ORQALI BOLALARNING KREATIV  
TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHGA O'RGATISH METODIKASI ..... 393-399

*Nishonov Nodir Alimjanovich*

BO`LAJAK O`QITUVCHILARDA FUTUROLOGIK TAHLIL QILISH KO`NIKMALARINI  
RIVOJLANTIRISHNING MUHIM ASPEKTLARI ..... 400-404

*Xidirova Durdona Muxtorovna*

SINERGETIK YONDASHUV ASOSIDA O`QUVCHI QIZLARNI IJTIMOIMADANIY  
MUNOSABATLARGA TAYYORLASH MEKANIZMLARI ..... 405-408

**Received:** 10 December 2024  
**Accepted:** 15 December 2024  
**Published:** 25 December 2024

*Article / Original Paper*

## **CUSTOMS RELATED TO THE CULT OF NATURE IN PILGRIMAGE RITUALS**

**Mukimova Risolat Rustamzhon kizi**

Research Intern, Department of History, CHSPU

**Abstract:** The article analyzes the concepts of pilgrimage, sacred places and shrines, as well as views, ideas and customs associated with the cult of nature in pilgrimage rituals.

The author also highlights the transformational changes in pilgrimage rituals that have occurred under the influence of the globalization process.

**Key words:** Pilgrimage, holy place, pilgrimage tourism, ethnographic material, cultural object, ritual, cult, faith, tradition, cult of wood, cult of stone, sacred spring.

## **ЗИЁРАТ МАРОСИМЛАРИДА ТАБИАТ КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАР**

**Муқимова Рисолат Рустамжон қизи**

ЧДПУ “Тарих” кафедраси стажёр тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мақолада зиёрат тушунчаси, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар ҳамда зиёрат маросимларида табиат култи билан боғлиқ қарашлар, тасаввурлар ва урф-одатлар таҳлил қилинган.

Шунингдек, муаллиф томонидан глобаллашув жараёни таъсирида юз берган зиёрат маросимлардаги трансформацион ўзгаришлар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Зиёрат, муқаддас жой, зиёрат туризми, этнографик материал, маданий объект, маросим, култ, топинч, эътиқод, урф-одат, дарахт култи, тош култи, муқаддас булоқ.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI10Y2024N07>

**Кириш.** Ҳар бир мамлакатнинг тарихий-маданий обидалари фуқароларида миллий ғурур туйғусини шакллантирса, ўзга давлатлар ва миллатларнинг маданий мерос ҳамда диний қадриятлари инсонларда бошқа маданиятларни ва бошқа динларни ҳурмат қилиш ва тушунишни ривожлантиради. Диний объектлар турли халқларнинг цивилизациялараро алоқаларида муҳим тинчликпарварлик вазифасини бажаради ва маданиятлараро мулоқот учун ноёб имкониятларни тақдим этади. Айниқса, глобаллашув жараёни кучли кетаётган бугунги кунда халқларнинг зиёрат билан боғлиқ қарашлари долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда зиёрат туризмнинг барқарор тараққиётга эга соҳа сифатида ривожланиши ҳамда зиёрат мақсадида саёҳат қилувчилар сонининг йилдан-йилга ошиб бориши муқаддас қадамжо, зиёратгоҳлар ва зиёрат маросимлари борасида тадқиқотларнинг янада ошишига сабаб бўлди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Зиёрат ва зиёрат маросимлари маданий ҳодиса сифатида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илмий изланишларда тадқиқ этила

бошланди. Унга қадар тадқиқотлар асосан эмпирик кузатувлар, сайёҳларнинг зиёрати акс этган кундаликлар ва турли хил зиёратгоҳларни тасвирлашдан иборат бўлган. Бугунги кунда зиёрат турли хил аспектларда ўрганилиб, кўплаб назарий-методологик ёндашувлар мавжуд. Жумладан, зиёрат ва зиёрат маросимларининг вужудга келиши эндоген-экзоген омиллари, унинг маданий-диний аспектлари, шунингдек, зиёрат маросимларининг инсон руҳиятига таъсири каби жиҳатлар мазкур мавзуни тадқиқ этишнинг иқтисодий, социологик, маданиятшунослик, антропологик, диний, психологик, ижтимоий фалсафий сингари фан соҳаларига оид ёндашувларни юзага келтиради.

Тадқиқот объекти – Марказий Осиё худудида жойлашган муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар.

Мавзуни тадқиқ этиш жараёнида қиёслаш, тизимли таҳлил, тавсифийлик, тарихийлик, тарихий-қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган.

Шунингдек, Тошкент вилояти худудларида 2022-2024 йиллар давомида олиб борилган дала тадқиқотлари материалларидан фойдаланилди.

Мавзуни таҳлил этишда ўзбек халқи зиёратгоҳлари, муқаддас қадамжолари ва зиёрат маросимлари тарихий-этнологик жиҳатдан ўрганган олимлар жумладан, шарқшунослар А. Калмыков, М. Иванин, А. Кун, совет даври тарихшунослигида зиёратгоҳлар муаммоси билан шуғулланган олимлардан – С. Толстов, Ю. В. Кнозоров, В. В. Бартольд Г. Снесарев, О. Сухарева, Л. Маньковская, В. Булатова, И. Жабборов, шунингдек, мустақиллик йилларида – И. Жабборов, Ҳ. Кароматов, Б. Аҳмедов, С.С.Бухорий, А. Аширов, Т. Қиличев, А. Маликов, М. Саттор, Б.Эралиев, И.Остонақулов каби тадқиқотчилар томонидан яратилган адабиётлар, монография ҳамда илмий мақолаларда берилган илмий маълумотлардан фойдаланилди.

**Натижалар.** Муқаддас қадамжо, зиёратгоҳ, азиз жой, зиёрат ва зиёрат билан боғлиқ маросим, урф-одатлар билан боғлиқ қарашлар ва тасаввурлар инсоният тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бир қаторда, узоқ тарихга бориб тақалиши билан ҳам ажралиб туради. Мазкур тасаввурлар инсонларнинг диний дунёқарашлари билан боғлиқ бўлиб, барча динларда кенг тарқалган. Зиёрат – диний маданиятнинг ўзига хос қадимий кўриниши бўлиб, барча динларда асрлар давомида сақланиб келаётган диний маросимлардан бири ҳисобланади. Масалан, христианлар Фаластинда жойлашган муқаддас жойларни, мусулмон зиёратчилар Маккани, Будда динига эътиқод қилувчилар баланд тоғли Лхасани зиёрат қилишади. Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар дунё бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши қадимги даврга бориб тақалсада, бугунги кунда ҳам инсоният ва жамият ҳаётида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Халқарнинг кундалик турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиб қолган.

Қадимги одамлар қийин шароитда яшаш учун кураш олиб боришган - ҳар томондан улар хавф остида бўлган: булар ёввойи ҳайвонлар ва табиат ҳодисалари ва қўшни қабилаларнинг тинимсиз тажовузи. Ҳаётнинг ўзи уларга муқаддас зиёратгоҳларни яратишга мажбур қилди, қайсики бу жойлар одамларга яхши яшашга умид, орзулар, ўзига ҳамда илоҳий кучлар ёрдамига бўлган ишончни бера олган. Шу сабабли инсонлар табиат кучлари олдида ожизлиги сабабли дастлаб, табиат култига (сув, олов, ғор, булоқ, тош, дарахт) сиғинишган бўлса, кейинчалик инсон қўли билан яратилган зиёратгоҳлар (мозорлар, мақбара) кенг тарқала бошлаган.

Қадимдан халқимизда зиёратгоҳлар муқаддас жой сифатида улуғланиб келган. Жумладан, юнон тарихчиси Геродот (эрамиздан авв. IV аср) “Тарих” асарида кўчманчи

скифлар ота-боболари мозорини муқаддас санаб, душманлардан ҳимоя қилишганлиги тўғрисида ёзиб қолдирган. Милоддан аввалги II асрда ҳинд-орий халқлари қабила бошлиқлари учун улкан мақбаралар бунёд этган. Бу анъана давом эттирилиб, скифлар томонидан Олтойда, сакларнинг Оролбўйида, Хоразм ва Сўғдда бунёд этган қўрғонлар, Кир, Доро ва бошқа Аҳамоний шоҳларининг тош қабрлари мисолида кўриш мумкин [1; Ст.-8.].

Эътиқод қилувчилар дастлаб вафот этган авлиёларга ҳурмат юзасидан ҳақиқий ва рамзий мозорларни зиёрат қилиб, ўзлари учун зарур ёрдамни сўрашади. Наршахий маълумотга кўра, ҳар йили Бухорода Янги йил яъни Навруз куни йил асосчиси Сиёвуш мозорида хўрозни қурбонлиқ қилишган ҳамда мотам кўшиқларини куйлаб, рақс тушишган [2; Ст.-473.].

“Зиёрат”- атамаси арабча сўз бўлиб, “бирор ерга ёки шахс ҳузурига бориш” маъносини билдиради. Зиёрат – муқаддаслаштирилган мозорлар, қадамжолар ва мозорларга бориб, муайян расм-русмларни бажариш демакдир. Мазкур маросимларда табиат культлари билан боғлиқ тасаввурлар кенг тарқалган бўлиб, анимизм, фетишизм ва тотемизм билан боғлиқ эътиқодлар негизда шаклланган бўлсада, бугунги кунга қадар амал қилиб келинмоқда. Табиат култи билан боғлиқ зиёратгоҳлар дунё бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, масалан, дарахтларни илоҳийлаштириш, уларнинг даволовчи хусусиятига бўлган ишонч натижасида дарахт култи билан боғлиқ зиёратгоҳлар вужудга келган. Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган Ҳазрати Али (Паркент), Чинор (Ғазалкент шаҳри), Шайх Умар Вали, Қадамжо (Бўстонлиқ тумани), Эрвали бобо (Оҳангарон) каби зиёратгоҳлар мисолида кўришимиз мумкин.

Умуман олганда, дунё халқлари ўртасида дарахт култига сиғиниш ва уни муқаддаслаштириш билан боғлиқ бир қанча қарашлар, маросимлар мавжуд. Бундай қараш ва маросимлар замирида олам ва одамнинг яратилишини дарахт тимсоли билан боғлаб, “ҳаёт дарахти”ни оламнинг асоси (ўзак, ўқ,устун) сифатида тасаввур этиш ётади. Шу сабабли, турли эзгу ниятлар, тилакларни амалга ошириш ва касалликларга шифо излаш мақсадида дарахтлар билан боғлиқ маросимларни ўтказилган. Жумладан, дунё халқлари мифологиясида “ҳаёт дарахти”нинг турли номлар билан кенг тарқалган: “дунё дарахти”, “марказий дарахт”, “муқаддас дарахт”, “ўлим дарахти”, “шифобахш дарахт” ва бошқалар [3; Р.р.18-25.].

Е.Кагаровнинг фикрича - дарахтларга сиғиниш анимизм асосида вужудга келган бўлиб, дарахтлар вафот этган одамнинг руҳи сақланидиган жой бўлиб, ёвуз ва эзгу кучларнинг паноҳи ҳисобланади [4; Ст-316]. Рус этнологи Е. Вайденбаум дарахт култининг ривожланиши бир неча босқичларга бўлиб, қуйидагича изоҳлаган: “Дунё халқлари мифологиясида дарахтларга сиғиниш анъанаси босқичма-босқич ривожланган бўлиб, дастлаб дарахтлар онгли мавжудот сифатида тасаввур этилган. Иккинчи босқичда руҳлар кўчиб ўтадиган жой, учинчи босқичда руҳлар қўним топадиган жой, макон сифатида кўрсатилган” [5; Ст-153-179.].

Табиат култи билан боғлиқ қарашларда муқаддас булоқлар билан боғлиқ тасаввурлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Инсоният томонидан турли касалликларга қарши курашда булоқ сувлари муҳим роль ўйнаган. Ўз дардига шифо топган инсонлар томонидан булоқлар муқаддаслаштирилиб, бу жойлар зиёратгоҳларга айлантирилган. Ер остидан қайнаб чиқувчи иссиқ булоқлар, турли минералларни таркибида сақловчи

булоқ сувлари инсон танасидаги турли дардларга малҳам бўлган. Жумладан, Тошкент вилоятида жойлашган Ҳазрати Али зиёратгоҳидаги булоқ сувлари тери-таносил касалликларига, Бўстонлик туманидаги Қадамжо зиёратгоҳи булоқ сувлари ошқозон-ичак касалликлари давоси ҳисобланган. Ҳатто, тиббиёт юксак ривожланган бугунги кунда ҳам булоқ сувлари билан даволаш давом этмоқда, жумладан Сурхондарё вилояти Омонхона сиҳатгоҳи шифобахш булоқ сувлари билан жигар, ошқозон касалликларини даволаб келмоқда. Бундай булоқ сувлари билан боғлиқ сиҳатгоҳлар дунё бўйлаб кенг тарқалган. Масалан, Грузия давлатига айнан иссиқ булоқ сувларида даволаниш мақсадида сайёҳлар ташриф буюради.

#### DISCUSSION/ ОБСУЖДЕНИЕ/МУҲОКАМА

Шуни таъкидлаш лозимки, анимистик, тотемистик, шомонистик ишончлар халқ ҳаётига шу қадар сингиб кетганки, натижада ҳаётнинг бошланишига асос бўлган деб тасаввур қилинган айрим табиат культларини илоҳийлаштириш ва уларни сиғиниш объектига айлантириш анъанага айланган.

Масалан, дарахт култи билан боғлиқ маросимлар ва тасаввурлар асосида чинор, қайрағоч, терак, тут, ёнғоқ, анжир, арча, каби дарахтлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар кенг тарқалган. Жумладан, Марказий Осиё ҳудудида, масалан, “Уч терак”, “Оқ терак” (Қирғизистон), “Оқ теракжон” (Туркменистон), “Теракмозор” (Фарғона), “Бузоқ терак” (Туркистон), “Тут ота”, “Чилла тут” (Хоразм), “Шавлан” (Туркменистон), “Тут калон” (Тожикистон), “Минг чинор”, “Анжир ота” (Ўзбекистон) каби муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар мавжуд. Мазкур зиёратгоҳларда дарахтлар “авлиёлар томонидан экилган”, “авлиёнинг хассаси дарахтга айланган” каби ривоятлар билан боғлиқ ҳолда талқин этилади. Жумладан, Хоразмдаги “Остона бува” зиёратгоҳидаги тут дарахти тарихи Шайх Мухтор Вали номи билан боғлиқ ривоятда ўз аксини топган. Ривоят қилишларига кўра, Хива хони авлиёдан бирор каромат кўрсатишни сўрабди. Шунда Шайх Мухтор Вали ўз ҳассасини ерга бир зарб билан киритгач, ҳасса тут дарахтига айланган. Бир зумда барчанинг кўз олдида дарахтда тут мевалари пишиб етилибди. Айтишларича, афсонавий тут ҳозирги кунда ҳам зиёратгоҳда ўсиб турибди [6; Р.р.-2390]. Худди мана шундай тасаввурларни булоқ сувлари билан боғлиқ ҳолатларини ҳам кўриш мумкин. Авлиёлар ҳассаси билан булоқ ҳосил қилиши билан боғлиқ афсоналар фикримиз далили бўлади. Жумладан, Оҳангарон туманидаги Эрвалибобо зиёратгоҳи булоқлари ҳам авлиё каромати сифатида талқин этилади.

Ўзбек халқи кундалик турмуш тарзида муҳим аҳамиятга эга бўлган зиёрат маросимларида тош култи билан боғлиқ тасаввурлар кенг тарқалган бўлиб, мазкур тошлар даволовчи тошлар сифатида улуғланади. Оҳангарон туманидаги Парпи ота зиёратгоҳидаги метеорит тош ҳам турли касалликларга шифо сифатида улуғланади. Асосан, чақолоқлар ва ёш болалардаги касалликларни даволаш учун олиб келиб, тош атрофини соат стрелкаси бўйлаб етти марта айланилади.

**Хулоса.** Мазкур тадқиқот мавзуси ўзининг кенг қамровлиги билан ажралиб туради. Олиб борилган тадқиқотлар натижаси сифатида шуни такидлаш мумкинки, Тошкент вилояти зиёратгоҳлари бўйича 2022-2024 йиллар давомида олиб борилган дала тадқиқотлар натижасида табиат култи билан боғлиқ қарашлар яхши сақланиб қолганлиги аниқланди. Умуман, Ўзбекистон Республикасининг қайси ҳудудига ташриф

бюрманг, ўзига хос зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларни кўриш мумкин. Қадамжо ва зиёратгоҳларнинг ҳар бири маълум бир туман, қишлоқ ва маҳаллаларда яшовчи маҳаллий аҳоли турмушида ҳамда уларнинг диний қарашларини ифодаловчи маскан сифатида кундалик турмуш тарзида муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, табиат култи билан боқлиқ зиёратгоҳлар глобаллашув жараёни кучли кетаётган ҳамда глобал экологик муаммолар авж олаётган бугунги кунда табиатни асрашда уларнинг ўрни катта. Зеро, инсон ҳам табиатнинг бир бўлаги ҳисобланиб, табиатни улуғлаш, муқаддас ҳисоблаш келажакда бутун инсоният тақдирини белгилашда муҳим омил ҳисобланади. Биргина табиат култи билан боғлиқ қарашлар асосида вужудга келган зиёрат маросимларида инсон ва табиат уйғунлигини англаш мумкин. Бу эса, келгуси авлод учун зиёрат маросимлари ва зиёратгоҳларни сақлаш заруратини вужудга келтиради.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Юсефи Джоландан Мансур Мазары Хорасана и Мавераннахра эпохи Тимуридов (XIV - XV вв.) . Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Д. 2009.-С.8.
2. Бартольд В В Место домусульманского культа в Бухаре - Соч , т II, ч 2 -М , 1964 - С 473.
3. Jumaeva Sh.B. Images about the Tree Cult at Uzbek People's Pilgrimage Rituals// Journal of Ethics and Diversity in International Communication. | e-ISSN: 2792-4017 | www.openaccessjournals.eu | 2022. Volume: 2 Issue: 2. P.p.18-25.
4. Кагаров Е.Культ фетиший, растений и животных Древней Греции.-Спб., 1913.-С.316,
5. Вайденбаум Е. Священные роци и деревья у Кавказских народов//Известия Кавказского отдела Императорского Русского Географического общества. М., 1878.Т.V.№3.-С.153-179.
6. Abdurakhmanova J.N., Jumaeva S.B., Ismailov U.K. The Importance of Shrines in The Spiritual Life and Mentality of Uzbek People // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 09, 2020. pp. 2389-2398.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/10 (4) – 2024*

### АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

#### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).